

Ishonch

2019 йил 19 ноябрь • сешанба • № 139 (4268)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Байроғимиз – фахримиз, ғуруримиз!



Мағрур ҳилпирайвер, юртим байроғи!

18 ноябрь – Ўзбекистон Республикаси давлат байроғи қабул қилинган кун муносабати билан пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги майдонида тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари М.Ҳожиматов, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Э.Шукуров, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир сўзга чиқиб, давлат рамзлари ҳар бир халқнинг мустақиллиги, озодлиги, тинчлиги, барқарорлигининг тимсоли эканлигини, буюк аждодларимиз ҳам юрт байроғини муқаддас билиб, уни кўз қорачиғидек ардоқлаганини таъкидлади.

Байроқ аждодларимиз учун озодлик, куч-қудрат, жасорат, ғалаба тимсоли бўлган. Ватанимиз мустақилликка эришгач, 1991 йилнинг 18 ноябрыда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат байроғи тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда миллий байроғимиз давлат суверенитетининг рамзларидан бири сифатида белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси байроғи ва ундаги ҳар бир ранг, ҳар бир белги мамлакатимизнинг миллий-маданий анъаналари ва табиий иқлим шароитларини ўзида мужассам этади.

Байроқдаги мовий ранг – мусаффо осмон ва обиҳаёт рамзи бўлиб, ҳаво ва сув ҳаётнинг икки асосий манбаидир. Оқ ранг тинчлик, поклик, фикр ва ҳаракатларнинг маънавий тинчлиги, софлиги ишорадир. Яшил ранг эса табиат

ва ҳосилдорлик тимсоли. Қизил чизиқлар – ҳар бир тирик вужудда жўшиб оқаётган ҳаётнинг қудрат ирмоқларини ифодалайди. Бундан ташқари, халқимиз бу икки чизиқни Ўзбекистон заминини обиҳаёт билан таъминловчи Амударё ва Сирдарёни ифодаловчи «қон томирлари» деб ҳам атайдди. Байроқдаги ярим ой мустақил давлатнинг туғилиши, 12 юлдуз эса мусаффо осмон рамзидир. Тиниқ осмон – бу тинчлик, ёруғлик, фаровонлик белгисидир.

Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи мамлакатимиз довруғини бутун дунёга таратиш, юртдошларимиз қалбида Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат туйғуларини мустақамлашнинг муҳим воситаси бўлиб хизмат қилади. Мустақил Ўзбекистоннинг байроғи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти штаб-квартираси пештоқда 1992 йил 2 мартдан буён юзлаб бошқа давлатларнинг байроқлари қаторида ҳилпираб турибди. Бу барча юртдошларимиз кўнглини фахр ва ифтихор туйғуларига тўлдирмоқда.

– Миллий байроғимиз мустақил давлатчилигимиз рамзи, халқимизнинг орзу-умидлари, ғурури белгиси сифатида ҳар бир кишининг фахр-ифтихор туйғусини юксалтирмоқда, – дейди Ўзбекистон

Ўзвучилар уюшмаси аъзоси, шоир Зикрилло Неъмат. – Унда миллий-тарихий анъаналаримиз, узоқ ўтмишга бориб тақаладиган бой маданиятимиз, фазилатларимиз ўз ифодасини топган. Бугунги байрамда ҳам барчанинг кўзида, қалбида фахр-ифтихор жўш ураётганини кўриб турибмиз.

Бу йил давлат байроғи қабул қилинган кун нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг кўп давлатларида истиқомат қилаётган ватандошларимиз томонидан ҳам кенг нишонланмоқда. Айниқса, Ўзбекистоннинг хоржий мамлакатлардаги элчихоналари, ваколатхоналари томонидан ҳам байрам муносиби тарзда кутиб олинмоқда.

Ёш авлодни миллий байроғимизга ҳурмат-эҳтиром ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан бири. Зеро, байроғимиз барча учун бирдек фахр-ифтихор ва шон-шараф рамзидир. Бу ёшларни янги марралар, зафарлар сари ундашга хизмат қилиши шубҳасиз.

– Ҳар гал байроғимиз кўтарилганда қалбимда аллақандай ҳаяжон ҳис қиламан, – дейди Тошкент давлат иқтисодий университетини талабаси Рустам Аҳмедов. – Айниқса, спорт мусобақаларида ҳамюртларимизнинг ғалабалари шарафига кўтариладиган байроғимизни

кўриб қалбимда фахр туяман. Ўзбекистон фарзандиман деган ҳар қандай инсонда бу туйғу жўш уриши табиий.

Тадбирда Ўзбекистон халқ артисти Озодбек Назарбеков ижросида «Жон Ўзбекистон», «Меңдирман ўша» ашуллари ижро этилди. Ҳарбийларнинг кўргазмали чиқишлари барчага кўтаринкилик бахш этди.

Дарҳақиқат, ҳарбий хизматчиларнинг Ватан байроғи пойида тиз чўкиб, муқаддас она тупроғини матонат ва садоқат билан ҳимоя қилишга қасамёд қилиши беҳиж эмас. Байроқ жасорат, ғурур, фидойилик, ор-номус мактабидир. Аслида, Ватан байроғи пойида тиз чўкиш, уни кўзга суртиб тўтиё қилиш ҳар қандай оғир вазиятда ҳам уни баланд кўтариш, асло қўлдан қўймаслик, жон тикиб бўлса ҳам асрашликка онт ичмоқдир.

Тарихий қадриятларимиз асосида ишлаб чиқилган, ўтмиш, бугунги кун ва келажакни акс эттирувчи давлатимиз байроғига эҳтиром ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Тадбир давомида эстрада юлдузларининг чиқишлари, миллий хунармандчилик кўргазмаси ташкил этилди.

Нурилло НАСРИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Байрам шукуҳи



Самарқанд шаҳридаги Регистон майдонида давлатимизнинг 100 та байроғи ўрнатилиши нафақат самарқандликлар, балки муаззам замин меҳмонлари руҳиятига ҳам кўтаринкилик бахш этди.

Бу ерда ташкил этилган маданий тадбирда турли миллат ва элат вакиллари халқимиз қалбида фахр ва ғурур уйғотувчи байроғимиз қабул қилинганнинг 28 йиллик тантаналарида иштирок

этаётганидан мамнунлигини яшириб ўтиришмади.

– Тантаналар дўстлар билан янада файзли, – дейди Тожикистон Республикаси Панжакент шаҳридан келган меҳмон Дилрабо Дўстова. – Қардошларимизнинг қувончли кунларида иштирок этаётганимиздан хурсандимиз.

Ватан байроғини шарафлашга бағишланган тадбирлар шаҳардаги баланглиги 60 метрни ташкил этувчи байроқ жойлашган ҳудуд – Кўксарой майдонида ҳам давом этди. – Касба уюшма тизими ташкилотлари ҳам давлатимиз байроғи қабул қилинган кун муносабати билан қатор маданий-маърифий тадбирлар ташкил этишди, – дейди Самарқанд вилояти касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Маданий-маърифий ва спорт бўлими мутахассиси Маҳлиё Раззоқова. – Хусусан, «Байроғимиз – ғуруримиз, фахримиз» мавзусидаги тадбирда юз нафардан зиёд касба уюшмалари ёшлари фаол қатнашди.

Нурилло ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Семинар

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши тизимидаги корхоналар касба уюшма қўмиталарида фаолият юритаётган ходимлар учун «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар нафолатлари тўғрисида»ги қонун мазмун-моҳиятига бағишланган семинар ўтказилди.

Қонун моҳиятига бағишланди

Мазкур қонунда хотин-қизларга нисбатан жамиятда учрайдиган барча турдаги таъйиқ ҳамда жинсий, жисмоний, руҳий ва иқтисодий зўравонликдан ҳимоя қилиш механизмлари белгиланган. Қолаверса, ички ишлар, меҳнат, соғлиқни сақлаш, таълим соҳасидаги давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, жумладан, Хотин-қизлар қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари каби ташкилотларнинг бу борада ваколат ва вазифалари, уларнинг ўзаро ҳамкорлиги масаласи кўрсатиб ўтилган.

Тадбирда, шунингдек, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлайдиган қондаларни жамоа шартномалари ва келишувларига киритиш, уларнинг касбий ва оилавий мажбуриятларни қўшиб бажариши учун шарт-шароитларни яхшилаш ҳақида сўз юритилди. Жамоа шартномалари орқали корхонада меҳнат қилаётган ходимлар учун яратилган имтиёз ва қулайликлар қўламини янада кенгайтириш ҳақида ҳам фикрлар билдирилди.

Нилуфар МУЗАФФАРОВА,
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши бош мутахассиси

КУН НАФАСИ

«Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Президент фармони қабул қилинди.
uza.uz

Давлатимиз раҳбари «Нефть ва газгеология қидирув ишларини ташкил этиш ва олиб бориш тизимини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди.
uza.uz

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ёшинори Фузияма билан учрашди.
uza.uz

Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» миллий кўргазмалар мажмуида Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси бўлиб ўтмоқда.
uza.uz

Тошкентда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда «Урганинг! Синаб кўринг! Ривожлантиринг!» шиори остида анъанавий Глобал тадбиркорлик ҳафталиги бошланди.
uza.uz

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳрида «International Investment Forum Karakalpakstan» халқаро инвестиция форуми бўлиб ўтди.
uza.uz

КУН САВОЛИ

МАТБУОТ УЙИ

Тошкент шаҳар ҳокимлигига!

«МАТБУОТЧИЛАР УЙИ» НЕГА ЯНА САВДОГА ҚўЙИЛДИ?

Ўтган йили «Тошбозорсавдо» уюшмаси олган кредитга гаров таъминоти сифатида қўйилган Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32-уй, яъни «Матбуот уйи» биноси (Тошкент шаҳар ҳокимлиги балансида) Миробод тумани Мажбурий ижро бюроси томонидан аукционга қўйилган ва матбуотчиларнинг «уйсиз» қолиш хавфи эъзага келганди.

Бу муаммо жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилиниб, сўнгра uza.uz сайтида «Қарзга ботирган бошқалар, «уйсиз» қолаётган журналистлар» номли мақола эълон қилинган. 2018 йилнинг 6 июнида Тошкент шаҳри ҳокими Жаҳонгир Ортиққўжаев «Матбуотчилар уйи» савдоси тўхатирилганини маълум қилганди. 7 июнь кунини эса uza.uz сайтида Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Тошбозорсавдо» уюшмаси «Ўзсаноатқурилишбанк»дан олинган кредитни ўз ҳисобидан тўлашни маълум қилгани ҳақида хабари эълон қилинганди. Ва, шу билан, муаммо барҳам топгандек эди...

Аммо... Шу кунларда «E-jro aukcion» очиқ аукционда бу бино ҳақида яна маълумот пайдо бўлди. Унга кўра, Иқтисодий судларнинг ижро ҳужжатига асосан, 7 қаватли, 18.722 кв.м.дан иборат, ертўлали, чордоқ қаватли маъмурий бинонинг 3-, 4-, 5-, 6-, 7-қаватлари ва чордоқ қисми сотува қўйилган.

Саволлар туғилди: Пойтахт ҳокимлиги мазкур мавзуга яна қайтишга нима сабаб бўлмоқда? Матбуотчиларни уйсиз қолдириш кимга керак бўлиб қолди? Давлатимиз раҳбари бот-бот оммавий ахборот воситаларининг эркин ва шаффоф фаолият юритиши учун кенг имкониятлар яратиш кераклигини таъкидлаётган бир даврда мазкур масаланинг бошқа ечимини топиш мумкин эмасми? Ҳолбуки, ўтган йили унинг ечими «осонгина» топилган ва журналистлар «уй»сиз қолмаслиги ваъда қилинган эди-ку!

ЎЗБЕКИСТОН Миллий ахборот агентлиги

07.05.2018 17:00:24

«Матбуотчилар уйи» гаров таъминотидан бекор қилинди, «Тошбозорсавдо» кредитни тўлайдиган бўлди

Нилуфар МУЗАФФАРОВА

Тажриба ва бирдамлик истиқболи

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши тақлифи баноан Тошкент шаҳрида Халқаро темирйўлчилар касаба уюшмалари конфедерацияси кенгашининг эллик еттинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда кенгаш аъзолари, Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон, Эстония касаба уюшмалари раҳбарлари ва делегациялари ҳамда Халқаро темирйўлчилар касаба уюшмалари конфедерацияси кенгаши Бош котиби иштирок этди.

Конфедерация темир йўл ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси аъзоларининг касбий, ижтимоий, меҳнат ҳуқуқлари ва манфаатлари, касаба уюшма

фаолиятининг ҳуқуқ ва қарорларини ҳимоя қилиш, филиалларнинг давлатлараро ва ҳукуматлараро даражадаги бирдамлик позициясини ифода этиш ва халқаро

касаба уюшмалари бирдамлигини мустақамлаш ҳамда мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган.

Ҳар йили кенг миқёсда ўтказиладиган ушбу кенгашда ўнга яқин масалалар кўриб чиқилиб, қарор қабул қилинади. Жумладан, темир йўллар фаолияти, юк ташиш вагонлари ва контейнерлардан фойдаланиш, йўловчи ва юк ташиш шартлари, халқаро йўналишларда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, бажарилган ишлар ва хизматларни ҳисобга олиш ҳамда бунинг учун ўзгаришларни кўриб чиқиш, илмий-техник ҳамкорлик каби масалалар кўриб чиқилади.

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба



уюшмаси Республика кенгаши раиси Қутлимурот Собиров ўз нутқида тармоқ ва «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти билан биргаликда ишчи-ходимлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўлай ва хавфсиз меҳнат шартларини яратиш борасидаги узоқ йиллик фаолияти, темир йўл транспортини ривожлантириш ва ижтимоий соҳада олиб борилётган кенг қамровли бунёдкорлик ишларига тўхтади.

Йиғилиш сўнгида делегация аъзоларига Ўзбеки-

Халқаро ҳамкорлик



Наманган вилояти

Ҳафталик

Шу кунларда Наманган вилояти мусиқали драма театри жамоаси томошабинларни энг сара сахна кўринишлари билан хушнуд этмоқда.

Таассуротлар ўзгача


Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси тизимидаги ишчи-ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини мароқли ҳордиқ чиқаришларини таъминлаш мақсадида ташкилланган ушбу театр ҳафталигида «Бобон қиз», «Суйганингдан айрилма», «Аёл бўлиш осонми?», «Азиз», «Матмуса», «Соҳибқирон Амир Темур ёхуд адолат қиличи» каби бир қатор спектакллар намойиш қилинди.

Одамни фикрлашга, эзуликка чорлайдиган бугунги кун ёшларига, умуман инсониятга бахт фақат бойликдан иборат эмаслигига ишора қилувчи, тарихий ва ҳаётий фалсафага бой бундай спектакллари то-

моша қилиб, рости кўнглим тўлди, – дейди Наманган шаҳар бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси 1-тоифали инспектори Гулчехра Фозилова, – Уйда экран қаршисида ўтириб сериал, кино кўриш бошқа, аммо театр умуман бошқача. Ҳеч бир санъат тури кишига театрчалик кучли таъсир кўрсатолмайди.

Шубҳасиз, театр ҳафталиги кўпчилик томошабинларда унутилмас таассуротлар қолдирди.

Қосимжон ХОЛБОВЕВ, Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими mudiri



Навоий вилояти

Туризм



Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!

Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши томонидан шаҳарда фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактаблари ишчи-ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун Бухоро вилоятидаги Етти пир мажмуасига саёҳат ташкил этилди.

51 нафар ишчи-ходим Ҳазрат Абдулоқ Ғиждувоний мажмуаси, Хожа Муҳаммад Ориф ар-Ревағарий зиёратгоҳи, Хожа Маҳмуд Анжир Фағнавий, Хожа Али Рометаний, Хожа Муҳаммад Бобой Самосий, Сайид Амир Кулол хобгоҳи ва Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд мажмуаларини зиёрат қилишди. Етти пир комиллар ҳаёти, фаолияти, кашф-у қароматлари ва ҳикматлари ҳақида қизиқарли ва кенг маълумотларга эга бўлишди.

Л.ОСТАНАЕВА, Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Зарафшон шаҳар кенгаши раиси



57- ое ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА МЕЖДУНАРОДНО КОНФЕДЕРАЦИИ ПРОФСОЮЗОВ ПЛЕЗНОДОВЩИКОВ

Тадбир

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Тизимдаги корхона ва ташкилотларда ижтимоий ҳимоя тадбирларини амалга оширомоқда.


Ходимлар тақдирланди

Тармоқ тизимидаги «2-Фарғона таъмирлаш-қурилиш-ускуналаш бошқармаси» масъулияти чекланган жамияти маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир ҳам улардан бири бўлди.

Унда корхонада узоқ йиллар давомида ёшларга ўз хунарларини ўргатиб, ўрнатиб келаётган бир гуруҳ ишчи-ходимлар юбилей ёшлари муносабати билан тақдирланди.

Шаҳина Жўраева,

Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши етакчи мутахассиси



Сирдарё вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

Гулзода ишга қайтди

Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига ховослик Гулзода Соибова туман тиббиёт бирлашмаси ўзини эгаллаб турган терапия бўлими ҳамширалиги лавозимидан ноқонуний равишда бўшатгани тўғрисида мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, у Меҳнат Кодексининг 100-моддаси, 3-4 бандига баноан ишдан озод этилган. Бироқ у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишда Меҳнат Кодексининг қатор талаблари бузилган.

Аввало, ходимга дастлабки қўлланилган интимиозий жазо чоралари буйруқлари таништирилмаган, имзо қўйдирилмаган. Бу билан МКнинг 182Ф-моддаси талаби бузилган. Масаланинг чигал тарафи, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси икки маротаба иш берувчи ташаббусига кўра бекор қилинган. Даст-


лаб, меҳнат шартномасини бекор қилиш масаласи ходим иштирокисиз кўриб чиқилган ва касаба уюшмаси розилик берган. Лекин шунга қарамай ходим ўз ишини давом эттириб келган. Бироз ўтиб, меҳнат шартномаси иккинчи марта иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши тақлифи маъқулланган. Огоҳлантириш хати шу куннинг ўзида таништирилмай почта орқали юборилган. Ажабланирлик, ходим ишда бўлишига қарамай ишдан бўшатилганлик буйруғи билан таништирилмаган, меҳнат дафтарчасини олиб ке-

тиши ҳақида огоҳлантирилмаган.

Бунинг билан Ўзбекистон Республикаси МКнинг 100, 101, 102, 107, 108, 110, 154, 275-моддалари талаби бузилган.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқни бекор қилиш, фуқарони илгари эгаллаб келган лавозимига ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган вақти учун иш ҳақи ва етказилган маънавий зарарни ундириб беришни сўраб Ховос тумани тиббиёт бирлашмасига тақдимнома киритди. Бироқ тақдимнома қондирилмагач, бирлашма ҳуқуқшунослари фуқаронинг талабларини суд тартибда қаноатлантирилишини таъминлашди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



Навоий вилояти

Таҳлил

Оилани асраш – оламни асраш

Жорий йилнинг ўтган даврида «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази Навоий вилояти бошқармаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ажрашиш арафасида турган 2975 та оиланинг шароити ўрганилди. Олиб борилган сай-ҳаракатлар натижасида уларнинг 1783 таси яраштирилиб, 2878 та бола тирик етим бўлиб қолиш хавфидан қутулди. Шунингдек, жойлардаги судларга ажрашиш мақсадида ариза берган 1097 нафар эр-хотиннинг 141 таси ўз фикридан қайтди.

ЯХШИ ТАРҒИБОТ

Вилоятда оилавий ажримлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 56 тага камайди. Аҳоли ва тегишли ташкилотлар ўртасида «Соғлом оила – соғлом жамият» мавзусида ўтказилган ўқув-маърифий тадбирларда шу кунгача салкам 70 минг нафар киши қатнашди. Уларнинг 4526 нафари эндигина оила қурган бўлса, 3526 нафари оила қуриш остида турган йигит-қизлардан иборат бўлди.

АЖРИМЛАР САБАБИ НИМАДА?

Таассуфки, ҳудудда оилавий ажримлар олдини тўлиқ олиб бўлмапти. Демак, бу борада муаммолар бор. Маълумотларга қараганда ажримнинг 67 фоизига эр-хотиннинг келишмовчилиги, 15 фоизига эса қайнона-қайнота ва бошқаларнинг аралашуви, 9 фоизига ичкилик, 1 фоизига ишсизлик, моддий қийинчилик, салкам 4 фоизига эса бошқа зарарли одатлар, яъни ахлоқсизлик, касаллик, беписандлик, номуносиблик сабаб бўлмоқда.

ЭНГ ФОЙДАЛИ ТАДБИР

Мавжуд муаммолар моҳиятини ўрганиш ва уларни бартараф этиш оилавий ажримларнинг олдини олишда асқотиши турган гап. Навоий вилоятида жорий йилда оилаларни индивидуал тарзда ўрганиш, таҳлил қилиш ва юзага чиққан камчиликларни биргалашиб бартараф қилиш натижасида қийин вазиятга тушиб қолган 104 та оиланинг 102 тасида ажримнинг олди олинди.

ИБРАТ НАМУНАСИ

Яқинда Навоий шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Ибратли оила» республика кўрик танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда биринчи ўринни Қизилтепа туманидаги Шаҳриддин Кенжаевлар, иккинчи ўринни Нурота туманидаги Ғайрат Алминовлар, учинчи ўринни эса карманалик Элмурод Кенжаевлар оиласи эгаллади.

Ушбу тадбирнинг маҳалла, туман ва шаҳар ҳамда вилоят босқичида 10 минг нафардан ортиқ намунали оилалар вакиллари қатнашди.

Нормурод МУСОМОВ тайёрлади



Самарқанд вилояти

Корхона раҳбари қай эшикка бормасин, «бу бизга тегишли масала эмас», қабилидаги жавобни олди. Энди нима қилсам экан, дея ўйлаб юрганида ҳуқуқшунос дўсти жонига оро кирди. У дўстининг маслаҳатидан сўнг қаерга, кимга мурожаат қилишни англаган эди.

Тўғри танлов

– Бизга мурожаат қилган йигит каттагина корхона раҳбари экан, – дейди Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудир Усмон Каримов. – Унинг мудрослигини эшитган, барча муаммоларга барҳам беришнинг тўла имкони бор, дедик.

Жомбой тумани Фарҳод шаҳарчасида фаолият кўрсатаётган «ЕКО ORIENT GROUP» масъулияти чекланган жамият раҳбари Сўҳроб Пулатов ҳамкор топганидан суюниб кетди.

– Кўрсатиладиган хизмат учун шартнома асосида қанча маблағ бўлса тўлаб берамиз, – деди тадбиркор. – Фақат амалий ёрдам берилса бўлди.

Қаётган амалий ёрдам берилганда унга жамоат ташкилоти томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар бепул ва бегаразлигини, ташкилотнинг мақсад ва вазифаларини қисқа, лўнда қилиб тусунтириб берди.

Хўш, тадбиркорни касаба уюшмаларига қай мақсад етақлаб келганди?

–...Майизни қайта ишлашга ихтисослашган корхонани ташкил этган тадбиркор Сўҳроб Пулатов 15 нафар ходимни иш билан банд этиб келаетир. Ишлаб чиқариш салоҳиятини оши-

риш, ишлов берилиб, қадоқланган маҳсулотларни бозорга чиқариш каби ташкилий жараёнлар бир меъёрга олиб боришмоқда. Айни чоғда хорижий давлатлардан ҳам ишончли миқдорда кўпаймоқда. Буюртмалар ҳам етарлича. Замонавий технологияга асосланган ишлаб чиқаришни маҳаллий ёшлар қойилмақом тарзда удаллаб келмоқда. Раҳбарнинг бундан кўнгли тўқ бўлса-да, доимо ичини бир ўй кемирарди. Айниқса, фалон корхона ходимининг қўлини дастгоҳ тортиб кетибди, корхона ходими эҳтиётсизлик орқасидан фалон дардди ортириб олибди, деган совуқ гапларни эшитганида ўйлаб қоларди.

Хуллас, корхонада касаба уюшма кўмитаси ташкил этилиб, ўқув-семинарлар ўтказилди. Ходимлар меҳнат муҳофазасига оид барча қонун-қоидалар ва йўриқномалар билан таништирилди. Корхонада бу йўналишга мутасадди белгиланиб, хавфсизлик қоидаларига оид дафтар юритиш, плакатлар, огоҳлантирувчи белги ва ёзувлар жорий этилди. Жамоада меҳнатни муҳофаза қилиш борасида ишларни тизимли ташкил этиш, уни бошқариш ва назорат қилиш юзасидан барча меъёрий ҳужжатлар шакллантирилди.

Аъзолик афзалликлари

Корхона раҳбари буйруғи билан электр энергияси, ёнғин хавфсизлиги, санитария-гигиена ҳолатларини назорат қилиб борувчи масъул шахслар белгилаб олинди.

– Касаба уюшмалари кўмагида хавфсизлик техникаси йўриқномалари ишлаб чиқиб, таъдиқладик, – дейди корхона раҳбари Сўҳроб Пулатов. – Ходимларимизни дастлабки ва иш давомида ҳамда вақти-вақти билан тиббий кўриқдан ўтказишни режалаштирдик. Эндиликда ҳар бир ишчи муносиб меҳнат шароитида ишлайди.

Тадбиркорнинг ташвиши ариди. Эндиликда корхонада ишловчилар муносиб шароитда меҳнат қилишларига тўла асос яратилди. Касаба уюшмаларининг бегараз кўмагидан иш берувчи ҳам, жамоа аъзолари ҳам мамнун бўлишди.

– Бъзи тадбиркорлар касаба уюшмаларига аъзо бўлишдан қочади, – дейди корхона раҳбари. – Биз ҳам бу масалада ўйлаб юргандик. Улар билан мулоқотдан сўнг англадикки, ҳар бир меҳнат жамоасига касаба уюшмалари керак. Агар кимда-ким, фаолиятини қонуний асосда йўлга қўяман, ишчи-ходимларга муносиб меҳнат шароити яратаман, уларни муҳофаза-лайман, деса ҳеч иккиланмасдан касаба уюшмаларига келсин. Ташкилотга аъзо бўлганлар бегараз кўмакчи, холис ҳамкор, куйинчак ҳимоячига эга бўларкан. Буни биз ўз фаолиятимизда синовдан ўтказдик.



Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»

Маънавият соати

Гендер тенглик мавзусида

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг мажлислар залида Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни таълим ва эъронликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган «Маънавият соати» ўтказди.

Тадбирда мазкур ҳужжатлар ва улар билан амалиётга татбиқ этилаётган маълумотлар берилди.

Шунингдек, гендер тенглик мавзуси бўйича ҳам қонун билан боғлиқ қатор жиҳатлар ҳақида батафсил тушунтирилди.

Мукҳаддас РАЗЗОҚОВА, «ISHONCH»



ДАРОМАДГА



Оғриқ тишлар...

ШАРОИТГА БАҲО

Мамаклатимизда қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда маҳаллийлаштириш дастурига алоҳида эътибор қаратишмоқда...

Бу ерда мавсумий ишлайман, дейди Оралбай Бекмуратов. Шу боис, номимга меҳнат дафтарида очилмаган...

Чиқарилади. Бу ерда ҳам ишчи-ҳодимларга махсус кийим-бош берилмаган. Аввалга 600 минг сўм маош олишини айтган ишчи кейин...

Собиқ гишт заводи базасида қайта ташкил этилган «Хўжайли гишт» МЧЖ корхонасидан ҳар куни қурилиш ташкилотлари ва аҳолига сифатли маҳсулот етказиб берилмоқда...

Ишлаб чиқариш жараёнида саксон нафар ишчи меҳнат қилмоқда, дейди корхона филиалининг иш бошқарувчиси Тажиббой Ҳасанов...

Аёл киши учун биров қийинроқ бўлса-да, ушбу корхонада кунбай асосда меҳнат қиламан, дейди Сарбиноз Жарилқанова...

Корхона фаолияти билан танишув чоғида камчиликлар ҳам борлиги маълум бўлди. Хусусан, хом гишт чиқариш цехида ишлаётган ھодимларнинг кўпчилигида махсус кийим-бош йўқ...

Нукус туманининг «Тақирқўл» ОФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Қудияров Ринат» масъулияти чекланган жамиятга қарашли корхона 2014 йилдан буён қурилишбоп хомашё ишлаб чиқармоқда...

Жамоамизда 60-70 нафар одам меҳнат қилади, дейди ўзини бригадир деб таништирган Жалғас Бекниязов...

Қўшни туманлардан келиб корхонада меҳнат қилаётган ишчилар учун уч хонали уй ажратилган экан. Бироқ ётоқхонада ҳеч қандай шароит яратилмаган...

Хўжайли туманининг «Жана жап» ОФЙ ҳудудида жойлашган «Азиз Боймурод» масъулияти чекланган жамиятга қарашли корхонада ҳафтасига 50-60 минг дона пишган гишт ишлаб...

Хуллас, айрим туманларда тўрт-бештадан гишт ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатса ҳам, маҳаллийлаштирилган қурилиш хомашёларининг нархи бир-биридан кескин фарқ қилади...

Даврон ҲАЗИМОВ

Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, бош давлат меҳнат ҳуқуқий инспектори

Полат АБДИЯЗОВ

Қорақалпоғистон Республикаси Касаба уюшма ташкилотлари Бирлашмаси Меҳнатни муҳофазат қилиш бўлими етакчи мутахассиси



«Большая детская энциклопедия» – рангли, безакли, суратларга тўла қомус. Ўтган йили Москвадаги «РОСМЭН» нашриётида чоп этилган...

«ОҒУ ҚЎШИЛГАН ТАОМ»

Болаларга мўлжалланган шу қомусни варақлаётиб, «Где придумали самбо?» («Самбо қарерда ўйлаб топилган?») деган мақола ва унинг остидаги суратга қўзим тушди...

тарларнинг йўлбошчиси бўлган, минглаб беуноҳ одамларни қирган, суяклардан улкан эҳромлар қурган, бир неча бор Россия ва Ҳиндистонни босиб олган, истило қилган ерларини роса талаб...

Ақсар ота-оналар фарзанди китоб ўқиётганини кўрса, кўнгли тўқ. Бироқ унинг қандай китоблиги билан ишлари йўқ. Яроқсиз, савиясиз, усти ялтйроқ адабиётларни билиб-билмай олиб бераверишади...



Кўпчилигимиз ёшлар учун бало-ю офатини интернет-у ижтимоий тармоқларда, турли хорижий сериалларда кўрагимиз. Аммо кези келганда айрим китоблар ҳам шундай вазифани ўташи мумкинлигини назардан қочирамиз...

Арзimas нарсадай туюладиган, тузуқроқ эътибор бермасак, кўзга ташланмайдиган бу каби тасвир-у маълумотлар чиққан қомуслар юртимиздаги, хусусан, Бухоро шаҳри айрим китоб дўконларининг пештахталарида «қўр тўкиби» турибди...

Қўхна кентининг Исломо Каримов кўчасидаги шундай савдо масканларидан бирида Россияда «Большая детская энциклопедия» сериясида нашр қилинган «Хочу все знать» («Ҳамма нарса билишни истаيمان») деган катта ва қалин китоб сотилаётган экан...

Қомусни кўздан кечирар эканман, ногоҳ хунрезлик, оммавий қирғин манзарасидан иборат бир расмга нигоҳим тушди. Салб юришлари ҳақида ёзилган мақолага оид ўша тасвирга «му-сулмонлар насронийларни аёвсиз қиришган», дея изоҳ ҳам берилган...

Нима, бу турли диний эътиқоддаги кишилар ўртасида адоват қўзаб, бир-бирига гиж-гижлашми? Ёки шунчаки англашилмовчиликми? Модомики, қомус «Большая детская энциклопедия» экан, унда бола ёшига номувофиқ бундай материални босиб чиқаришдан муддао нима?

Яна бир гап. Фарзандингиз шундай савол билан сизга юзланса, ажабланманг: – Амир Темуэр шунчалик қонхўр, босқинчи бўлганми?

– Нега бундай деяпсан? – Туюв кунини 170 минг сўмга олиб берган китобингизда шундай деб ёзилган экан. – Йўғ-е?! – Мана, қаранг, сурати ҳам бор.

Шунда РОСМЭН нашриёти чиқарган ҳалиги «Большая детская энциклопедия»нинг 199-саҳифасидаги «Темуэр (Тамерлан)» деган мақолада куйидагиларни ўқийсиз: Хромой (яъни чўлоқ) Темуэр Самарқандда туғилган. (!), мўғул-та-

Четдан келтирилган бундай қомус ва китоблар билдирмай оғу қўшиб қўйилган хушхўр ва «қўркам» таомга ўхшайди.

Назаримизда, уларни сарат-у пучакка ажратиш, ялтйроқ, жозибадор «либос»ларга ўралгани боис ёлғони осонликча сезилмайдиган, болаларимиз онгини захарлайдиган бундай қомусларга зарарин туттиш мавриди аллақачон етган. Шу боис, номувофиқ саналган адабиётларни дўкон-у кутубоналаримизга йўлатмаслик, бу борада тегили хуқуқий мезонларни амалга жорий этиш масалалари ўйлаб қўриلسа, яхши бўларди. Ҳўш, бу ишга кимлар бош қўшади? Бу ҳам бир масала...

Фикримизча, айнан маданият, маънавият, таълимга масул мутасаддилар томонидан мажкур йўналишда алоҳида кенгаш ташкил этилиб, унга тарихчилар, филологлар, маданиятшунослар, ёзувчи ва шoirлар, журналистлар ҳамда бошқа соҳалардаги мутахассислар, умуман, зиё аҳлини кенг жалб қилиш самара беради.



Рустам ИБРОХИМОВ, «Ishonch»

Қундалик мулоқотимиз давомида истасак-истасак бир-биримизга қайсибир иллат ёки фазилатнинг ўзлаштирилиши ёки «юқиши»га сабабчи бўламиз. Шуларнинг ичиде энг оммавийси «сўзларни бузиб ёзиш вирус»и билан «хасталаниш»дир.

СБЁВ – хавфли «хасталик»

Бу ҳолат сизга қанчалик тасвир қилади, билмадим-у, мен сўзлардаги хатolikларни кўрганимда беихтиёр қаттиқ асабийлашадиган бўлиб қолганман. Бир кунини яқин дугонам «Салом, қалай? бляптимми сарчамаялсам дам олишга бн нма енгликла» деб ёзиб қолди. Тўғриси, жавоб қайтаргим келмади! Бир томондан, менга нисбатан оқибатлигини ўй-

лаб қувонган бўлсам, бир томондан, унга бўлган ҳурматим бир поғона тушди. Уша кунини атайин бошқаларнинг ёзганларини ҳам диққат билан кузатдим. Афсуски, бу факат битта дугонамга хос нуксон бўлиб чиқмади... Гуруҳлардан биридаги сўхбатларни кўздан кечирар эканман, бунга жим қарар тўмондан, бунга жим қарар тўмондан, менга мурожаат билан юзландим:



Назoкaт ШАРИПБoЕВA, Қoрақалпoқ давлат университетини талабаси

Таассуф



Назoкaт ШАРИПБoЕВA, Қoрақалпoқ давлат университетини талабаси

Қашқадарё вилояти

Чиқитга айланаётган хомашё ёхуд Чироқчида чарм маҳсулотлари тайёрлаш имконияти йўқми?

Сизга ёлғон, менга чин, республика миқёсида энг кўп қўй ва мол Қашқадарёнинг Чироқчи туманида сўйилади. Тери қабул қилиш ва топшириш билан шуғулланган танишим Отабек Яхшибоевнинг айтишича, бундан беш-ўн йил муқаддам бир ҳафтада Чироқчи туманидан ўн минг донага яқин тери йиғиб олинган ва хорижга хомашё сифатида сотилган. Бироқ бугунги кунда аҳвол анчагина ўзгарган.

Божхона харажатлари ошгани туфайли териларни хорижга жўнатиш деярли тўхтаган, дейди Отабек. Қашқадарёда терини қайта ишлаб, ундан тайёр маҳсулот қиладиган корхона йўқ. Шу боис, ҳар куни минглаб қўй терилари чиқиндига чиқариб ташланмоқда... Олдин қишлоқма-қишлоқ ким қўй сўйса, тери излаб юрарди. Энди эса терига эҳтиёж қолмаган ҳисоб. Бугунги кунда қатор-қатор чиқинди ташиш машиналари сон-саноксиз териларни туман чиқиндихонасига тўкиб келяпти. Нафақат чиқиндихона, қишлоқ ичидеги йўллар бўйида ҳам уюм-юм пўстакларни учратиб оdatий ҳoлга айланди. Ёзининг иссиғида уларнинг ҳидида

чидаш янаям қийин. Яқинда Қозoғистоннинг Чимкент шаҳрида ишлаб келдим, сўзида давoм этди Отабек. У ерда бир тадбиркор турк ишбилармонлари билан ҳамкорликда пойабзал цехини ишга туширибди.

Тадбиркор тери хомашёсини анчагина қиммат нарҳда сотиб олиб, уни қайта ишлаб, эркаклар, аёллар, болалар учун сифатли пойабзал чиқарар экан. Нафақат пойабзалнинг устки қисмини, балки тагини ҳам чармдан тайёрлаш эътиборимни тортди. Яъни, ишчилар чармини эритиб, қолипга қўйиб, натижада сифатли тагчарм ҳосил бўлар экан. Хуллас, иш бошлаганига эндигина бир йил бўлган корхонада 50-60 киши фойдали юмуш билан банд: аёллар пойабзалнинг устини тикса, эркаклар тагчармини тайёрлаб беришмоқда. Дўкондорлар битта туфлин цехдан 10-15 минг тенгега сотиб олишиб, харидорга 20-25 минг тенгега сотишаётганини кўрдим. Туфлилар сифатли, бемалол 5-6 йил чидаб беради. Энг эътиборлиси, ишчиларнинг аксарияти Ўзбекистондан борган эркаклар ва аёллар...

Сир бўлмаса, у ердаги ойлик маошлар қанча? – сўрайман Отабекдан. – Узимизнинг сўмга айланганда оддий ишчилар бир миллион саккиз юз минг-икки миллион, усталари эса икки

ярым-уч миллион сўмгача ойлик олишади. Уйлаб қоламан, нега энди Қашқадарёнинг бир туманида ойига қирқ-эллик минггача қўй-мол сўйилади-ю, бирорта ҳам терини қайта ишлайдиган ёки улардан чарм маҳсулотли буюмлар тайёрлай-

диган корхона йўқ? Бу биттагина Чироқчи тумани мисолидаги гаплар. Энди буни бутун вилоят ёки республика миқёсига айлантириб кўринг, қанчадан-қанча қўй териси чиқиндихоналарга кетаётган экан?.. Ахир, теридан ҳам жуда кўп маҳсулот тайёрланиши барчага маълум-ку!



Сифатли туфлилардан ташқари, қайишлар, сумкалар, курткалар, ҳатто бир неча хил елим маҳсулотларига ҳам тери асосий хомашё вазифасини бажариб беради. Қачонгача болаларимиз-у ўзимизга «дермантин» пойабзал олиб, ҳар ойда алмаштиришга мажбур бўламиз. Шундай экан, чиқитга чиқётган уюм-уюм қўй териларидан самарали фойдаланиш чораларини излаш вақти келмади-микан? Сизнинг фикрингиз қандай, муҳтарам мутасаддилар, ҳурматли тадбиркорлар? Акмал АБДИЕВ, «Ishonch»



Тасанно!

Митти ҳикоялар

Тил билганга 10 миллион...



Сурхондарёлик Ҳамида Қахрамонова Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетига талабалikka қабул қилинганда бир дунё орзуларга берилгани рости. Аммо у Корейс филологияси факультетиде таҳсил олиш давомиде қачонлардир мамлакатимиз нуфузини халқаро миқёсдаги танловда ҳимоя қилишни хаёлига ҳам келтирмаганиди.

— Ёшлигимдан катта ютуқларга эришган инсонларга ҳамма қатори ҳавас билан қарар, уларнинг бошқалардан ажралиб турадиган жиҳати бор бўлса керакки, шундай муваффақиятларга эришган деб ўйлардим, — дейди Ҳамида Қахрамонова. — Университетда ўтган 3 йиллик таҳсил даврида корейс тилини ўрганиш билан боғлиқ танловларда иштирок этиб билдимки, аввало, инсон ҳаракатчан бўлиши, ўз устиде мунтазам ишлаши, ўзини синаб кўришдан кўрқмаслиги, синовларда ишонч ва хотиржамлик билан эгаллаган билимларига таяниши муваффақият омили эканлигини аниглаб етдим.

маданияти ва анъаналарини эринмай ўргатарди. Бу ёшларнинг тил ўрганишга бўлган қизиқишини оширибгина қолмай, корейс тилининг мураккаб жиҳатларини тереңроқ англашга, талабаларнинг ўз мақсадларини янада қатъийлаштиришига туртки бўлди. Ҳамидахон ҳам тил ўрганиш жараёнига қанчалик чуқур кириб боргани сари кўнглида ниш ура бошлаган мақсадлари шунчалик мустаҳкамланаверди. У корейс тилидан ўзбек тилига тўғридан-тўғри таржима қиладиган синхрон таржимон бўлишга азм-у қарор қилди.

университет босқичи бўлиб ўтди. Дўстлари қаторида Ҳамида ҳам бу танловда билимини синаб кўрди, аммо унга омад кулиб боқмади. Шундай бўлса-да, у руҳан чўкмади, «Танлов ҳақида таассуротларим бор, қандай саволлар бўлишини билиб олдим, кейинги гал янада пухта тайёргарлик кўраман», дея ўзига-ўзи ваъда берди.

— Интилганга толе ёр, деган нақлни дилимга туккан ҳолда корейс тилини пухта ўрганишда давом этдим. Корея тарихи, маданиятига оид кўп китобларни ўқидим, — дейди бу ҳақда Ҳамида. — Ниҳоят, 2019 йил мен учун муваффақиятли келди. KOIKA халқаро ҳамкорлик ташкилоти томонидан эълон қилинган «Корейс маданияти мутахассислари» таълим гранти бўйича Кореяда 80 кунлик таълим олиш имкониятини қўлга киритиш билан бирга, «Quiz on Korea» танловининг мамлакатимизда ташкил этилган республика босқичида ҳам биринчиликни қўлга киритиб, Сеул шаҳрида ўтатилган мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилиш бахтига муюсар бўлдим. Бунда устозларим Яйра Маҳматқулова, Ким Мик Ёнг ва Ли Нан Ёнларнинг берган билимлари менга катта ёрдам берди.

Ўзбекистонда бўлиб ўтган танловда 110 нафар тенгдошлари билан беллашган Ҳамида Кореядаги халқаро мусобақада Германия, Англия, Португалия, Уругвай, Вьетнам, Таиланд каби 20 та давлатдан келган талабаларга рўбарў бўлди. Уч босқичда ўтган танловда корейс мақоллари, ёзувчиларининг асарлари, миллий маданияти, урф-одатлари, тарихи, саналар, хуллас — барча-барчаси ҳақида саволлар берилди. Шартга кўра,

иштирокчилар баъзида ёзма, баъзида оғзаки, баъзан алоҳида, баъзан эса жуфтликда саволларга жавоб беришларига тўғри келди.

— Жуфтликда Германиялик Шарлотта исмли қиз билан бирга ишладик. Айрим саволларга жавоб топсак, айримларига топа олмадик. Шу боис, бу шартда бироз балим пасайди. Шунга қарамай, ўзимни қўлга олиб бор билимимни хотирлашга ҳаракат қилдим, — сўзида давом этади Ҳамида. — Отанам, «Болам, шу танловда қатнашганинг ўзи

катта гап. Мабодо, қутилган натижага эришолмасанг ҳам асло кўнглингни чўктирма, деб таъкидлаган бўлсалар-да, устозларим бир-бир кўз олдимдан ўтарди. Эртага борганимда «Эҳ шу нарсани ўргатган эдик-ку, наҳотки эсламадинг, наҳотки айтолмадинг», десалар қандай жавоб бераман, деган ўй кечарди хаёлимдан. Бу туйғу, бу масъулият ҳал қилувчи босқичда бутун билимларимни ишга солишга, хотирамдаги барча маълумотларни эслашга куч берди. Кўпчилик тўғри жавоб бера олмаган босқич — видеодаги тасвирга қараб корейс мақолини топиш шартли муваффақиятли кечди. Менга видеода аввалига ёш боланинг, кейин ёши катта кишининг қўли оғзига солгани кўрсатилди. Бироз мулоҳаза қилганимдан сўнг бу «Уч ёшда кетмаган ёмон одат, қарига-

нингда ҳам ҳамроҳинг бўлади» деган корейс халқ мақоли эканини англадим. Ушбу жавобга берилган балл тўғрисида иштирокчилар орасида биринчи бўлиб 500 баллни тўплашга муваффақ бўлдим ва мутлақ голибликни қўлга киритдим. Иккинчи ўрин жуфтликда бирга ишлаган Германиялик дугонамга, учинчи ўрин эса Португалия вакилига насиб этди.

Ҳа, Ҳамида Қахрамонова корейс тилини пухта ўрганигани, муваффақиятсизликдан бироз ишга қўл уришдан кўрқманг. Улар сизга дарс бўлади, кейинги катта ютуқларингизга туртки бўлади, — дейди Ҳамида.

— Беихтиёр кўз ўнгимизда серғайрат ва шижоатли тилшунос, бўлажак таржимон Ҳамида Қахрамонова сиймосида илмга чанқоқ ўзбек ёшлари намоян бўлди. Доим парвозингиз баланд, шижоатингиз ўктам бўлсин, маррани баланд олаверинг, Ҳамида, дея тилак билдирдик.



Зебо НАМОЗОВА, «Ishonch»

«БОЛА»
Бир кун қишлоққа борганимда онаминг оёқларига бошимни қўйиб, «онажоним» деб эркаландим. Бизга қараб ўтирган отам «Менинг онам йўқ», дея пиқиллаб йиғлай бошлади.
«Йиғлаган» отам ўшанда бериб туришарди.

АВЛИЁ
Қишлоқдаги ҳашарларда лой қилиш, том суваш каби оғир ишларни қилиб юрадиган, одамлар «Авлиё» деб атайдиган полвон-келбат, аммо сал думбулроқ йиғитга ҳамқишлоқлар вақти-вақти билан чойчака бериб туришарди.
Бир кун беш-олти киши улфатчилик қилиб ўтирганимизда «Авлиё» келиб қолди. Бирин-кетин унга атаганимизни тутқаз бошладик. Навбат бир улфатчимизга келганда «Авлиё» унинг қўлини итариб ташлаб, деди: «Ўзи иссиққина уйда қолиб, хотинини совуқ жойларга ишга юборганинг берган пули ҳаром!»
Мана авлиёли!

ЎЗИМИЗНИНГ ҚИШЛОҚ
Тожикистонга илмий анжуманга борганимизда илғор ҳўжаликка тақлиф қилишди.

Йўлнинг икки четиде мажнунтоллар, оқ тераклар бўй чўзган. Далалар тутқаз билан ўралган. Шайпондаги ҳовузнинг суви тип-тиник, гир атрофи атиргул. Лахтак-лахтак ерлардаги жамбул, анвойи райхон ҳидини айтмайсизми?! Буларни кўриб, «Ие, бу ер Фарғонадаги ўзимизнинг қишлоғимиз-ку!», деб юбордим.

Кейин билсамки, бу ернинг одамлари алғов-далғов замонларда Олтиариқ, Қува ва Риштондан сургун қилинган «бойлар»нинг авлодлари экан.



Мухаммад ТОШБОЛТАЕВ, профессор

Эълонлар
Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 28.02.2018 йилда №583668 рақам билан рўйхатдан ўтган «SMARTEXPO» МЧЖ (СТИР: 305359030) тугатилади.
Давро ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун телефон: (+99871) 267-53-16.

Сирдарё туманидан рўйхатдан ўтказилган «SIRDARYO PROF SERVICES» МЧЖ (СТИР: 302800126) корхона таъсисчиларининг 2019 йил 18 ноябрдаги №91-11 сонли йиғилиш баённомасига асосан ихтиёрий тугатилади.
Давролар 99-847-44-90 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмаси Навоий шаҳар кенгаши жамоаси кенгаш ҳисобчиси Алишер Қурбоновга отаси Шўҳрат ҚУРБОНОВнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Сохта чирой «сир»лари

ёхуд ўзликдан воз кечишга сарфланаётган сармоя

Шу кеча-кундузда интернетга кирган заҳотингиз пластик жарроҳликнинг «нодир намуналарини», яъни салқатган қовқарларнинг амалиётдан сўнг «идеал» қиёфага келтирилгани «до» ва «после» кўринишдаги суратлар билан реклама қилинаётганига бот-бот кўзингиз тушиши аниқ. Бундай рекламалар остида қолдирилган изоҳларнинг аксариятида жарроҳнинг меҳнатига тасаннолар айтилиб, барча бирдек уни кўқларга кўтараётгани ҳам бор гап. Ҳақиқатан, мутахассисларнинг одам қиёфаси устида олиб борган амалиёти таҳсинга лойиқ. Аммо бу масалада танганинг иккинчи томони ҳам борлигини унутмаслигимиз керак.

Маълумотларга кўра, дунё бўйича шифокорлар орасида энг кўп маош оладиганлар, бу пластик жарроҳлик мутахассислари экан. Шундай бўлиши ҳам керак-да, аслида! Сабаби, бундай шифокорларга битта-яримта «камбағал»нинг иши тушмайди. Уларнинг аксарият миқдорлари пулдор, казо-казолар ахир, шундай эмасми?!
Юзида чандиғи, туғма доғлари борлар ёки бўлмаганда энг кўп маош оладиган ортиғи билан туғилганларнинг пластик жарроҳга мурожаатини тушуниш мумкин. Лекин машҳурлар қиёфасини орзулаб, ўзигидан, яъни ота-бобоси-ю момосидан мерос ташқи қиёфасидан воз кечаётганларни на оқлаб, на ёқлаб бўлади.

Бундайлар орасида яна кексаликни тан олмайдиганлар ёки гўзалликка муккасидан кетган «кўғирчоқ қиёфа»даги элга таниқли машҳурлар ҳам борки, беихтиёр ўйлаб қолсан киши: таниқли бўлдинг — ақли бўлдинг дегани эмас эканда-а!


«Хўш, бунинг нимаси ёмон, улар халқ таниган, эл назаридаги одамлар. Демакки, чиройли кўринишда бўлишга мажбурдирлар», дея пластик жарроҳ билан қиёфаси устида кўп ва хўб «ишлаган» машҳурларни оқлаб, фикримизга эътироз билдирадиганлар ҳам орамизда топилади, албатта. Аммо бундай эътирозлар кўп ҳолларда худбинликни ёқлашдан бошқа нарса эмас ва бунга англаб етиш учун оқил ёки оқила бўлиш шарт эмас.

Эътибор қилинг, «қирғий» бурнини «чўққи» бурунга айлантириш, юпқа лабларини шишириш, қиссиқ кўларини шахло кўзга айлантириш, ажин тушган юзларни тортириш учун сиз севадиган ўша машҳурлар «орзу-ҳавасли» одамларнинг тўйларида фонограмма қилиб, толган долларларини хорижлик пластик жарроҳларга қўш-қўллаб тутқазилари сир эмас-ку! Бу маблағлар билан бир чекка қишлоқнинг хароба мактабини, боғчасини ёки

бўлмаса, кўчасини обод қилса, бир муҳтожнинг корига яраса яхшироқ эмасми? Ҳозир бировнинг чўнтағидаги пулларни ҳисоблайдиган замонамиз, пул топаётган экан, омадини берсин, мактаб, боғча, қишлоқ кўчаларига масъул тегишли ташкилотлар бор, муаммоларни масъул ҳал қилсин, машҳурларни тинч қўйинг, дерсиз! Тўғри, фикрингизда жон бор. Унда ўша машҳурларнинг машҳурлиги қаерда қолди?

Гап келганда бугун, аёллар ўртасидаги гўзаллик анъаналари талабларига ҳам ҳайрон қолишимни, яшириб ўтирмайман, гарчи ўзим ҳам шу тоифадан бўлсам-да. Айниқса, самуррайлар (япон жангчиларининг қошларидек «вахимали» қошларнинг аёллар орасида бугун «тренд»далигини кўриб, қуйишни ҳам, кулишни ҳам билмайсан киши! Қайси аёлга қараманг, аксарияти яраса, ярашмаса қалин, тўртбурчак қошларни пешонасига «кўндириб» олган, маки-яжлари ҳам бир хил. Очиғи, бирини иккинчисидан ажратиб бўлмай қоляпти, гўёки конвейердан чиққан маҳсулот каби.

Юзи таранг тортилганидан ҳатто, мийиғида ҳам кулолмайдиган, қошлари қалинликда мисоли «ўқлов»дек, лаблари пуфак мисол шиширилган айрим санъаткор аёлларимизни афишаларда тушган расмларидан бирдан таниб олиш ниҳоятда мушкул. Яқинига бориб, исм-фамилиясини ўқигангина «ие, сиз, ўшамми?», дейишингиз аниқ. Шу кунга қадар машҳур актрисаларимиз Гулчехра Жамилованинг шахло кўзлари, Гулчехра Саъдуллаеванинг бодом қовоқлари, Раъно Ярашеванинг лўппи юзлари, Лола Элтееванинг бўртган яноқлари, Раъно Шодиеванинг юзидеги сепкиллари билан таниб олардик, аммо бугунги санъаткорларимиз аксариятининг қиёфаси бир хил. Пластик жарроҳлик ва замонавий макияж тўғрисида кўпчиликда икки эн-



лик қош, ҳаммаси шахло кўз, кўпчилигининг лаблари дўрдайган. Қиёфасида эсда қоларли ўзига хосликни топиш мушкул.

Ҳар бир хонадонда қақалоқ туғилса, еттига киргунча унинг ҳали етти марта ўзгарини билсак-да, энг аввало, «қақалоқ кимга ўхшабди?», дея савол берамиз. Ўғил бўлса, отасига ўхшабди, қиз туғилса аммасига ўхшабди, дейилганда, ўзига ўхшаган қақалоқни аммаси-ю холаси «қонимиз бир-да», дея алқаб қўйишади. Бугун бобомерос, момомерос қиёфасидан имми-жмида воз кечаётганлар шу қиёфаси билан бирга қариндош-уруғлари сиймосини ҳам пластик жарроҳнинг чиқит челагига «ғижим-лаб» ташлаб қайтаётганини билишармикин?! Хўш, энди айтинг-чи, ўзигидан воз кечаётганлардан нима тутиш мумкин?!

Шунинг учун ҳам айтишса керак-да, аслинг каби кўрин ёки кўринганингдек бўл!



Орзуғул РУСТАМОВА, «Ishonch»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalarini Federatsiyasi
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир
Хусан ЭРМАТОВ
Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий ҳаёт ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73
www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги аниқликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишингиз мумкин.

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz
Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кўнлари чиқади. Газета ishonchнинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Sharq» нашриёт-матбаа акциддорлик компанияси Босмажонсиде чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Тўрсон кўчаси, 41-уй.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
Тахририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Iproteka bank» Яшнобод филиали,
Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Худудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27
«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри тахририят нўқтани назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
А. Абдурахмонов
Мусаҳҳиш:
С. Шодиева
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов
ЎЗА яқини — 23:00
Топширилди — 00:50
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ, Буюртма Г — 1117. 27511 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133
1 2 3 4 5